O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB'XONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 5 март, № 44 (3589) Шанба

Наврўз навоси



Айни кунларда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласида ободонлаштириш ишлари қизғин кечмоқда. Ҳозиргача маҳалланинг «Тошкент ҳалқа йўли»га туташ ҳудудига ўн минг туп терак экилди. Икки чақирим сув йўллари тозаланди. Бундай ободонлаштириш ишларини кўрган маҳалла аҳли қараб турмаяпти.

Бир йил тут эккан қирқ йил дур теради

Мисол учун, тадбиркор Қобил Ғафуров ўн минг тупга яқин атиргул кўчати олиб бериш ташаббуси билан чиқди. Ҳовлиларда етиштирилаётган гулсафсардан тўрт минг туп, бошқа гуллардан беш минг туп кўчат маҳалланинг ички кўчаларига экилмоқда. Бу ишларда Миробид Жалилов, Эргаш Зуҳриддинов, Одил Таскараев, Ҳасан Салимов сингари фаолларнинг саъй-ҳаракати ётибди.

— Халқимиз «Бир йил тут эккан, қирқ йил дур теради», деб бежиз айтмаган, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркин Тўлаганов. — Шунинг учун яна минг туп манзарали, беш юз туп мевали кўчат экишни режалаштирдик. Бултур уч минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини эккан эдик. Ҳозир уларнинг ҳам парваришини олиб бораяпмиз.



СУРАТЛАРДА: маҳалладаги ободонлаштириш ишларидан лавҳалар.

Рашид ҒАЛИЕВ олган суратлар.

ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН

Наврўз — миттигина куртаклар уйқусираб ётган бутун оламни, борлиқни туртибгина бедор этувчи уйғониш айёми. Осмон ерга, ер осмонга бағрини кенг очгувчи фасл. Ҳаёту тириклик учун, яшамоқ учун янги тараддудлар кўриладиган, қутлуғ умидлар ва ниятлар палласи. Момолар ҳаётида кечган Наврўз сайиллари, эзгу удумлар ўчиб кетгани йўқ, кўрпалар ёйилиб офтобга чиқадиган, кўкдаги қуёш ҳам қир-адирларга тушиб, бойчечак-лолалар, эл-улус билан яйраб сайил қиладиган безавол ва мунаввар кунлар.

Бу порлоқ дамларда дил дилга, эл элга интилади. Одамзотнинг зоҳири ҳам, ботини ҳам яна бир карра янгиланади. Халқимизнинг азалий эскирмас ҳикмати, улуғвор ва муҳташам қадрияти, саодати — Наврўз.

Наврўз, биринчи навбатда тозалик дегани, озодалик ва саришталик дегани. Хонадон эгасининг кириш-чиқишдаги яхши кайфияти уйининг тозасаришталиги билан боғлиқ бўлгани каби бутун юрт, Ватан озодалигидан одамлар, халқнинг кайфияти кўтарилади. Озодалик ҳам тарбияга, маънавиятга киради.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз, **"Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак"**, деган эканлар.

Маълумки, бобомиз вазир бўлганлар, унча-мунча нарсага муҳтожлик сезмаганлари баробарида бир умр халқ, одамлар манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйиб яшаганлар. Вазир одамга ҳар кун байраму ҳар лаҳза бир Наврўзга нима ҳожат бор экан дерсиз? Эҳтиёжнинг моҳияти шунда бўлганки, Наврўз, байрам баҳонасида анча-мунча манзилу маконлар обод қилинган, аёмга тараддуд кўриш туфайли маҳалла-кўйлар, гузарлар тозаланган, кўрк берилган, кўприклар қурилган, ариқлар тозаланган, боғ-роғлар барпо этилган. Наврўз шу баҳонада қанча одамларга, қувончлар нашидасига, меҳр-оқибату қанча эзгу амалларга янгитдан асос солган.

Муҳтарам Юртбошимизнинг **"Биздан озод ва обод Ватан қолсин!"** деган, бугунги кунда элу юртимизнинг эзгу мақсадлар йўлидаги заҳматлари, қувончу ташвишларига сарлавҳа бўлиб қолган ибратли сўзлари замирида ҳам бутун мамлакатнинг кўрки-чиройи, ободлигию тўкис ва баркамол истиқболи назарда тутилган. Мустақиллик йиллари — қисқа муддатда она диёримиз бутунлай ўзгача нашъу намо топди. Нақшбандий бобо айвонларигача тонг ва нурга етишди. Албатта, озодалик, ободлик бир кунда ёки бир кишининг саъйи-ҳаракати билан битадиган юмуш эмас.

Наврўз сайли биз-нинг халқимиз учун қадим-қадимдан катта мазмун ва маъно касб этиб келган. Бу маъно ва мазмуннинг моҳияти, устозимиз айтганларидек, "Ҳақимизнинг миллий донолиги, ҳеч кимга ўхшамайдиган фазилатлар тажассуми" бўлмиш эзгу удумларимиз, одат ва анъаналаримизга бориб тақалади. Биз истиқлол йилларида асл Наврўзи-

(Давоми 2-бетда).

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

САМАРҚАНД (ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ).

Вилоят ҳокимлигида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, 2004 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов бошқарди.

Ўтган йили вилоятда барча соҳаларда муайян ютуқлар қўлга киритилгани таъкидланди. Жумладан, 2004 йилда иқтисодий ўсиш суръати 106,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари — 13,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 9,9 фоиз ўсди.

Йиғилишда иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий соҳанинг баъзи йўналишларида камчиликларга йўл қўйилгани танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади.

Шартнома мажбуриятларини муттасил бажармай келаётган саноат корхоналари ва фермер хўжаликлари сони камаймаяпти. Уйжой коммунал хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам қониқарли эмас.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Султонов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилсин.

2. 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) бир ҳафта муддатда "Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида"ги Низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (И.Эргашев), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилишни, маънавий-аҳлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминласинлар.

6. "Ўзтелерадио" компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов)га чақирилувчиларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 март

«Халқ сўзи»ни хорижда ҳам ўқишмоқда

Истиқлол йилларида «Халқ сўзи» газетаси республика парламенти ҳамда ҳукуматининг марказий нашри сифатида ўз саҳифаларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнини, халқимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни ўз вақтида, тўғри ва ҳаққоний ёритиб келаяпти. Шунингдек, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган муаммолар республика жамоатчилиги эътиборига олиб чиқилмоқда.

Биз учун қувонарли жиҳати шундаки, газетамиз сўнгги йилларда тобора оммалашиб бормоқда. Нашр тиражининг ўсиб бораётганлиги ҳам шундан далолатдир

Энди ўқувчиларимиз учун бир хушхабар. Ҳозир «Халқ сўзи»ни хоҳлаган пайтда, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб ўқишингиз мумкин. Бунинг учун Интернет тармоғидаги **www.xs.uz** манзилига кирсангиз кирининг интернет сайтларига статистика ва электрон почта хизмати кўрсатувчи «cPanelx» компаниясидан олинган маълумотларга кўра, сайтимиз ишга тушганига кўп бўлмаса-да, фоя. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни эса **info@xs.uz** электрон почта манзилига йўлланг.

Газетанинг Интернетдаги сайти, яъни электрон кўриниши доимий равишда янгиланиб, такомиллашиб бормоқда. Осиё ва Европадаги оммавий ахборот воситалари **www.xs.uz** манзилига **Марказий Осиё** ва **Ҳамдўстлик мамлакатлари**дан ташқари, **Австрия, Австралия, Аргентина, АҚШ, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Греция, Жазоир, Канада, Кувайт, Норвегия, Саудия Арабистони, Туркия, Франция, Швейцария, Швеция** сингари мамлакатлардан ҳар ойда ўртача 11-13 минг ўқувчи ташриф буюрмоқда. Сўнгги пайтларда, асосан, сайтдаги ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар ўқилмоқда. Айниқса, январь-февраль ойларида энг кўп «варақланган» саҳифалар орасида Президент Ислом Каримовнинг «Независимая газета» мухбирига берган интервьюси таржимаси, 29 январда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси биринчи ўринга кўтарилди.



Дарвоқе, яна бир янгилик. Куни кеча Франциядан Europe Global Institute (Европа глобал институти) томонидан шу йил Европада 500 минг нусхада нашр этиладиган ва бутун дунёга тарқатиладиган «Дунё энциклопедияси»га «Халқ сўзи» газетаси ҳақидаги маълумотлар киритилиши ҳақида хабар келди.

«Халқ сўзи» Сиз — азиз ўқувчиларимизнинг эътиборингизга таянган ҳолда, доимий ривожланиш сари йўл тутмоқда. Ишончингиз учун ташаккур!

Таҳририят.

Пойтахтимизда "Марказий Осиё — Япония" мулоқотининг вакиллар даражасидаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Япония Ташқи ишлар вазирликлари вакиллари иштирок этди.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯПОНИЯ»

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов очиб, "Марказий Осиё — Япония" шаклида мулоқот йўлга қўйилиши минтақамизда хавфсизлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлашда, интеграцияни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бундай алоқа Марказий Осиё давлатлари билан Япония ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кенгашда "Марказий Осиё — Япония" доирасида сиёсий, илмий-техникавий, маданий алоқаларни ва сайёҳлик бизнесини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, транспорт инфратузилмаларини, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, террорчилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш каби йўналишларда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Япония рахбарияти ўзининг 1997 йилда эълон қилинган "Буюк Ипак йўли" дипломатиясига биноан Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Кунчиқар мамлакат ҳозиргача ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларни такомиллаштириш мақсадида минтақамиз давлатларига 2,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Япония Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илгари сурган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Кенгашда Марказий Осиё давлатлари билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири.

Қонун ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўпчилик мазкур ҳужжатни муфассал шарҳлаб беришни сўраб бизга мурожаат қиляпти. Газетхонларнинг таклифини ҳисобга олиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ижрочи директори Шуҳрат МАНСУРОВ билан суҳбатлашдик.

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

аҳоли фаровонлигини кўзда тутади

— Шуҳрат Холмуродович, "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши билан республикамиз пенсия таъминотида қандай ўзгаришлар жорий этилди?

— Қонун қабул қилинганидан кейин фуқароларимиз давлат томонидан тайинланадиган пенсия тўловларига қўшимча жамғариб бориладиган пенсиялар олиш имкониятига эга бўлишади. Бунинг учун одамларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этишлари кифоя. Бу ишда қатнашганлар пенсияга чиққанда бир вақтнинг ўзида иккита манбадан пенсия пули олиш имконига эга бўладилар.

Янги қонунда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотида иштирок этишларининг қуйидаги тартиби белгиланган. Биринчидан, ишлаётган фуқаролар, шу жумладан, меҳнат қилаётган пенсионерлар бевосита жамғариб бориладиган пенсия таъминоти иштирокчиси ҳисобланади. Иккинчидан, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳамда юридик шахс сифатида рўйхатга олинмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий равишда иштирок этадилар. Бунинг учун юридик шахслар, яъни иш берувчилар ўзларида меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатаётган фуқароларга белгиланган тартибда анкета-сўровномаларни тўлдириб, ўзлари жойлашган ҳудуддаги Халқ банкининг туман ва шаҳар филиалларига топшириши лозим.

— Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга қўйиш учун анкета-сўровномаларнинг "Идентификация рақами" дейилган устунини тўлдиришда муаммолар туғилмоқда. Яъни, ўша устунда солиқ тўловчиларнинг идентификация рақами кўрсатиладими? Бу рақамни олиш тартиби қандай?

— Бу рақамни давлат солиқ идоралари томонидан бериладиган солиқ тўловчининг идентификация рақами билан чалкаштирмаслик керак. Солиқ тўловчининг идентификация рақами фуқароларнинг истиқомат қиладиган жойидаги туман давлат солиқ инспекциялари томонидан берилади. Ушбу ҳужжат асосида ҳар бир кишининг даромади солиққа тортилади. Ривожланган мамлакатларда мазкур тизим аллақачон жорий этилган бўлиб, у солиқ тўловчилар идентификация рақамларининг Ягона реестрини шакллантиришга, бюджетга солиқ тушиши тўғрисидаги маълумотларни компьютерда назорат қилиш ва солиқ идораларининг ўзаро ишларини мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш сўровномасида кўрсатилган идентификация рақами эса Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг идентификацион рақамларини (шахсий кодларини) аниқлаш тартиби тўғрисида"ги қарорида белгиланган тартибда фуқаронинг паспорт маълумотларига асосан, ички ишлар бўлимлари паспорт бўлимлари томонидан берилади.

Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, бу вазифа иш берувчилар, яъни юридик шахслар зиммасига юклатилган бўлиб, фуқароларга ортиқча ташвиш туғдирмаслик учун мазкур юмуш билан корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош ҳисобчи ва кадрлар бўлимларининг бошлиқлари шуғулланишади. Агар фуқаронинг паспортида идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилмаган бўлса, иш берувчи яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан фуқаронинг шахсий кодини сўрайди ва кейин сўровноманинг тегишли устунида ёзувни қайд этади.

— Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари қай тартибда ҳисобланади?

— Қонунда икки хил, яъни мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ўтказилиши белгиланган. Ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари миқдори, уларни киритиш муддатлари фуқаро томонидан белгиланади. Шу боис, аввало, мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини ҳисоблаш ва киритилишига батафсил тўхталиб ўтсак. Улар иш берувчи — юридик шахслар томонидан жорий йилнинг январь ойи иш ҳақини ҳисоблашдан бошланиб, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига ўтказилади. Жорий йил учун мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи, яъни солиққа тортиладиган даромадлар миқдоридан бир фоиз ҳисобида белгиланган.

— Агар мен жамғариб бориладиган пенсия бадалларини ўз иш ҳақим, яъни даромадларим ҳажмидан бир фоиз миқдорида тўлашим лозим бўлса, иш ҳақимдан яна янги мажбурий тўлов тўлашим керакми? Қолаверса, бунинг натижасида ойлик маошимдан маблағ йўқотаманми?

— Бундай фикрлаш нотўғри. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг жорий этилиши натижасида ишлаётган фуқароларнинг ойлик маоши (даромади)да ҳеч қандай йўқотиш бўлмайди. Аксинча, сиз меҳнат қилаётган ташкилот ойлик даромадларингиз миқдоридан ҳисобланган бадалларни сизнинг ҳисобварағингизга ўтказиб боради. Шунингдек, бу тўловлар сизга ҳисобланган жисмоний шахслар даромад солиғини камайтириш эвазига қопланади. Яъни, давлатга тўлаётган даромад солиғингизнинг бир қисми яна ўзингизга қайтариб берилади. Бундан ташқари, Қонуннинг 14-моддасига асосан, сизнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағингизда тўпланган маблағлар, улар учун ҳисобланган фоизлар ҳеч қандай солиққа тортилмайди.

— Демак, иш ҳақимдан бюджетга тўланаётган даромад солиғи миқдори бундан буён икки қисмга бўлинади, яъни унинг бир қисми жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига, қолгани эса, аввалгидек, давлат бюджетига тушади. Айтингчи, мана шу пенсияларни келажакда олишим учун, унинг миқдори фоизлар ҳисобига кўпайиб боришига кафолат борми?

— Албатта, бор. У Қонуннинг 5- моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, мазкур Қонунда пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни барқарор сақлаш ва уларнинг миқдорини кўпайтириш мақсадида жамланган маблағларни молия бозорида ишончли ва юқори даромадли лойиҳаларга инвестиция қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида йиғилган маблағларга инфляция даражасидан юқори бўлган миқдорда фоизли даромад ҳам тўлаб боради.

— Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги тўпланган пулларни қачон олиш мумкин?

— Бундай маблағларни (уларга ҳисобланган фоизлар билан бирга) давлат пенсия таъминотидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган, яъни давлат пенсиясига чиққан вақтдан бошлаб олиш мумкин. Бунда ҳисобварақдаги йиғилган маблағларни бирданига ҳаммасини ёки ойларга бўлиб олишни ҳар бир киши ўзи белгилаши мумкин.

— Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида тўпланган маблағларни ўзидан бошқа яна кимлар олиш ҳуқуқига эга?

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида тўпланган пул маблағлари унинг ўзига тегишлидир. Пулни фақат мазкур фуқаро ва унинг ишончли шахслари ёки меросхўрларидан ташқари бирор-бир киши олиши мумкин эмас. Агар унинг эгаси вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағида йиғилган маблағлар қонунда белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўлиқ ҳажмда тўланади.

— Маълумки, Қонун 2005 йил 1 январдан кучга кирди. Шу муносабат билан ушбу Қонуннинг ижроси қандай ташкил этилмоқда?

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ижросини ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида икки марта ҳудудий семинар-кенгашлар ўтказилди. Унда туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, ички ишлар, молия, солиқ идоралари, Марказий банк ва Халқ банки филиаллари, шунингдек, меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари бошлиқлари, йирик корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари иштирок этишди. Тадбирларда Қонуннинг мазмунмоҳияти билан яқиндан таништирилди ҳамда мазкур тизимни 2005 йил 1 январдан амалга киритиш учун барчанинг вазифалари белгилаб берилди. Ҳозир ҳамма туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида мазкур ишни тащкил этиш бўйича тузилган гуруҳлар иш олиб бормоқда. 14 февралгача республикамизнинг қарийб 2,8 миллион нафар меҳнат билан банд бўлган фуқаросининг анкета-сўровномалари Халқ банки филиалларига топширилди. Улар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ҳисобга қўйилиб, ҳар бир фуқарога банкда шахсий ҳисоб рақам очилди.

Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, банкнинг бош бошқармасида Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти департаменти, 14 та ҳудудий филиалда унинг бўлимлари, туман ва шаҳар филиалларида мазкур департаментнинг шўъбалари тузилган.

"Халқ сўзи" мухбири Ҳосил КАРИМОВ суҳбатлашди.

Байрамга бағишланди

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида 8-Март халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Аёл, экология ва саломатлик" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган ушбу анжуманга касби оддий, ҳизмати олий кишилар — Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ходимлари таклиф этилди. Пойтахтимизнинг озода ва кўркам бўлишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жамоанинг 500 нафар ишчи аёлига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Таниқли хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар байрам тадбирига ўзгача файз бағишлади.

Қ. ХИДИРОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

Бунёдкорлар

"КМК-1" масъулияти чекланган жамияти Олтиариқдаги нуфузи юқори қурилиш ташкилотлари сирасига киради. Негаки, жамият қурувчилари томонидан туман маркази ва қишлоқларида бунёд этилган коллежлар, мактаб, болалар боғчаси, шифо масканлари ва бошқа маъмурий идоралар бинолари кўркамлиги билан ажралиб туради.

— Ўз ишимизга масъулият билан ёндошиб кам бўлмаяпмиз, — дейди автокранчи Музаффар Отақулов. — Қураётган иморатларимизни кўриб, нафақат туманимиздан, балки бошқа жойлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

СУРАТДА: автокранчи Музаффар Отақулов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Наврўз навоси

(Давоми. Боши 1-бетда).

мизни тикладик. Поғонама-поғона, фаслма-фасл жароҳатларига малҳам босиб, озод Ватанимизнинг кўрку тароватини ўзида жамулжам этган ҳақиқий қиёфасини қайта барпо этдик.

Сайл ҳам, халқ шодиёнаси ҳам элюрт тинчлиги, мамлакат оройиши, сайқали билан файзлидир.

Куни кеча Сурхон қирларида очилган бойчечак "Ахборот"да кўрсатилганида эртасига бутун шаҳар аҳли бир-биридан суюнчи олди: "Баҳор келди! Юртимизга баҳор келибди! Кеча бойчечакни кўрсатди!"

Бойчечак — баҳор муждаси, тириклик хушхабари. Ҳамма бир кунда енг шимариб ишга киришиб кетди. Буни қарангки, тозалаш, озодалаш жараёнларида, гуллар, кўчатлар ўтқазиш пайтида баъзи туманларда ўн йиллаб битта ҳам ниҳол қадалмаган гўшалар кўриниб, билиниб қолди. Кўп қаватли уйларимизда ис босган, супурги тегмаган йўлаклар, умумдаҳлизлар ҳам бор экан. Ўзбекистонимиз қуёшнинг айвони бўлса, бу кенг ва муҳташам айвонимизнинг покизалиги кичкина даҳлизимиздан бошланишини ҳеч ҳам унутмаслигимиз лозим.

Наврўз — умумозодалик, умумсаришталик дегани. Халқимизда энг табаррук нарсалардан бири дастурхон саналади, дастурхонга оёқ қўйилмайди, дастурхон тоза, покиза жойга тўшалади. Меҳмоннавозлик қонимизда бўлганидан кейин, ҳар қарич ер, ҳар манзилу маъвомиз дастурхон тўшагудек пок ва бедоғ тутилиши керак-да.

Маҳалла-кўйларимиз, гузарларимиздаги кўтаринки кайфият, тириклик ташвишлари завқи, ғимир-ғимир ҳашар ва жонланишлар кишиларимиздаги иштиёқ ва ишончнинг ўзимизга хос белгиларидир. Сиҳат-саломатлик ҳам тозаликдан бошланади. Миллат бардамлиги, тансиҳатлик йўлидаги улуғвор ният ва мақсадлар мамлакатнинг бош ташвиши деб қаралаётган пайтда — Ватан озодалиги ҳам Наврўзимизга, байрам сайлимизга ғоят ярашиқли ва муносиб бўлгай.

Ўтиб абри найсонлар,
Дурлар тўксин осмонлар.
Чарақласин айвонлар,
Ватан озода бўлсин.
Бу дунёда гул қолар,
Боғ қолар, булбул қолар,
Биз кетармиз, шул қолар,
Ватан озода бўлсин!

Сирожиддин САЙЙИД.

Демократик тамойилларга асосланган жамият ривожида нодавлат ташкилотлар, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Бугунги тезкор замон ана шу талабни чуқур ҳис қилган ҳолда юқоридан ҳеч қандай буйруқ кутмай фаолият юритишни тақозо қилмоқда. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятини амалда кучайтириш лозимлигини энг муҳим вазифалар қаторига қўйди. Хўш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолияти жамиятнинг ижтимоий ҳаётига қандай таъсир қилади? Ушбу саволга бир маҳалла фаолияти мисолида жавоб изласак.

ОБОД МАҲАЛЛА

ҳамжиҳатлик ва огоҳликда

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалласи аҳли 2003 йил декабрь ойида бўлган сайловда Саидвали Ғозиевни оқсоқол этиб сайлаганди. У кишининг дастлабки ташаббусларидан бири, кўчалардаги ўзгаришлар бўлди. Бир йилда маҳалланинг 23 та кўчаси тубдан таъмирланди. Қўни-қўшнилар бир-биридан ўрнак олиб ҳовлиси атрофини чиройли панжаралар билан айлантиришга тушди. Натижада кўчалар ораста бўлиб қолди. Айтганча, сайлов чоғи Чилонзор 4-берк кўчасида ўнта ҳовлининг ичимлик сув муаммоси кўтарилганди. Оқсоқол ҳомийларни жалб қилиб, 650 метр узунликда сув қувури торттирди. Шунингдек, ҳудуддаги 550 та сув қурилмалари таъмирлангач, маҳалла аҳолисининг ичимлик сув таъминоти буткул яхшиланди. Бултур Ш. Исломов кўчасининг чиқиндилар уюлиб ётган қисмида эса, гулзор ташкил этилди. Учта гулзорга бир ярим миллион дона гул кўчатлари экилди.

Беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ушбу маҳаллада айтиб ўтилган ишлар асосан, ички имкониятлар ҳисобига амалга оширилди. Масалан, уч ой бурун ишга туширилган тикувчилик цехи ҳам ана шу ҳаракатлар ҳосиласи. Гап шундаки, оқсоқол маҳалла тадбиркорлари даврасида «Реле ва автоматика» корхонасига қарашли бинонинг қаровсиз ётганлигини айтиб қолади. Бу фикр ёш тадбиркор Азимжон Юсуповда янги ғоя уйғотди. У сармоя жалб этиб, «Мурувват-текс» масъулияти чекланган жамиятини очди. Буни қарангки, бир оғиз гап маҳалладаги 90 нафар хотин-қизнинг доимий иш жойи билан таъминланишига катта туртки бўлди. Корхонанинг «Чилонзор» учун яна бир қулай томони икки ўртада тузилган шартномага мувофиқ, «Мурувват-текс» ҳар ойда олган соф фойдасининг ўттиз фоизини маҳалла ҳисоб рақамига ўтказяпти. Маҳалла эса ушбу маблағ ҳисобидан кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ҳайрия ёрдами кўрсатмоқда.

Маҳалланинг ижтимоий ҳаёти яхшиланиб боришида айтиб ўтган ишлар ижобий таъсир қилмоқда. Айниқса, маҳалла сардори ва кўчабошилар ҳамжиҳатликда иш тутишаётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Чунки ўтган йили ҳудудда бирорта жиноят кузатилмади. Бу уларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашаётганини кўрсатади. Яна бир гап, 71 нафар кўчабошининг 33 нафари аёллар. Кўчабошиликка аёлларни жалб қилиш ташаббуси маҳалла хотин-қизлар қўмитасидан чиқди. Ва, қўмитанинг фаол аъзолари ўз кўчалари бўйича биркитилди. Улар бугунги кунда опа-сингилларининг турмуш икир-чикирларида ҳаммаслак бўлиб келмоқда. Маҳаллада меҳр-оқибат, тотувликни таъминлашда фуқаролар йиғинидаги маслаҳатчилар гуруҳларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки ҳар бир масалани ҳал этишда тегишли маслаҳатчилар гуруҳи ўзаро кенгашган ҳолда ёндашмоқда. Ўтган йили кам таъминланган оилаларга ўн миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам ва улуғ айём кунлари арафасида эса ёлғиз яшовчи кексаларга, ногиронларга беш миллион сўм маблағ эвазига совға-салом уюштирилди.

Маҳаллаларнинг жамият ривожидаги яна бир аҳамиятли томонига тўхталсак. Бағрикенглик ва кечиримли бўлиш миллий маданиятимиз ва маънавиятимизга хос хусусият. Хусусан, маҳаллаларда ташкил этилган яраштирув комиссиялари фаолияти ҳудуддаги тотув ҳаётда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Негаки, арзимас нарсадан ака-ука ёки қўни-қўшни бир-биридан аразлашиб қолиши ҳеч гап эмас. Яраштирув комиссияси эса маҳаллада ана шундай муносабатларни иликлаштиришга, оға-иничилик, биродарликнинг бардавомлигига ҳисса қўшиб келаяпти. Ўтган йили комиссия ўнта маслаҳат кенгаши ўтказди. Унинг бештасида томонларнинг тотувлиги тикланди. Бундан ташқари, хотин-қизлар қўмитаси, унинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси ҳамда тўй ва маъракалар ишчи гуруҳи ҳамжиҳат ишлаётгани боис ҳудуддаги бўлаётган маросим ва тадбирлар ихчам ўтказилмоқда. Шу кунларда маҳаллада наврўз айёмини халқ сайили сифатида ўтказишга катта тайёргарлик кетмоқда. Яна бир савол, маҳаллада болалар спортини ривожлантириш борасида қандай ишлар қилинаётир?

— Болалар саломатлиги — миллат соғломлиги. Шунинг учун Муқимий кўчасидаги кўп қаватли 106-уй ҳовлисида икки миллион сўм маблағ эвазига болалар спорт майдончаси барпо қилинди. Маҳалламиз болаларининг эмин-эркин спорт билан шуғулланишини ўйлаб қишки спорт саройи қуриш ҳам режалаштирилди. Эрта-индин ушбу иншоот қурилиши бошланади. Агар уни ишга туширсак, болаларимиз спортнинг ўзи истаган тури билан машғулот олиб боришига имконият яратилади. Маҳаллада нима иш қилган ва қилаётган бўлсак, ўзимизнинг, қолаверса, фарзандларимиз ва неваларимизнинг мазмунли турмуш кечиришларини таъминлашга қаратилган, — деди оқсоқол. Саидвали Ғозиев оқсоқолликни ўз зиммасига биркитилган савоб вазифа, деб ёндашмоқда. — Бугун қилиниши керак бўлган ишларни англасагу, унинг амалга оширилишига бефарқ қарасак, Мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдалана олмаймиз.

Бизнингча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари ўз вазифасига ана шундай талаб билан ёндашар экан, маҳалланинг ваколатлари амалда кучайиб боради. Жамиятда жамоатчилик назорати ортади. Барпо қилаётган ҳуқуқий давлатнинг равнақи таъминланиб боришига эришамиз.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шошмақом Европада янграмоқда

Наврўз арафасида Бенилюкс мамлакатларида Бухородан ташриф буюрган А.Бобохонов раҳбарлигидаги миллий чолғу ансамбли концертлари катта муваффақият билан ўтди. Голландиядаги Утрехт шаҳрида фаолият юритадиган "RASA Concerttournees" концерт бирлашмаси томонидан ташкил этилган мазкур гастролларда ўзбекистонлик санъаткорлар ижросида мумтоз ашулалар, жумладан, машҳур шошмақом оҳанглари янгради.

Брюссел ва Амстердамда ўзбек артистларининг чиқишлари Бельгия пойтахти мусиқа шинавандалари томонидан самимий кутиб олинди. Томошабинларнинг эътирофича, уларни мақомларнинг сеҳрли оҳанглари, миллий чолғу асбобларида маҳорат билан ижро этилган куйлар ва ижрочиларнинг мафтункор овозлари ром этди.

— Шошмақом олами билан танишув менга олам-олам таассурот бахшида этди, — дейди Амстердам университети Осиё тадқиқотлари факультети илмий ходими Томас Вортер. – Нидерландияда бу мусиқани ҳозирча кам билишади, лекин шуни ҳам айтиш керакки, у Голландия пойтахти аҳолиси орасида ўз мухлисларига эга бўлди. Бундай маданий мулоқот халқларимизнинг ўзаро англашувига яқиндан кўмак беради.

Жамшид МУТАЛОВ, "Жаҳон" АА.

Брюссель.

Кеча Миллий матбуот марказида республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент маркази билан биргаликда ташкил этилган матбуот анжумани "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асослари" китобининг тақдимотига бағишланди.

Тадбиркорлар учун қўлланма

Тадбиркорларга бепул тарқатиладиган мазкур қўлланмада кичик ва хусусий тадбикорликни ривожлантириш, аграр соҳада мулкдорлар синфини шакллантиришни жадаллаштиришнинг асослари, янги ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти, маҳсулотлар, хомашё материалларнинг юқори ликвидли турларини сотиш ва сотиб олиш хусусида шарҳлар берилган. Шунингдек, китобдан бозор механизмлари, лизинг шартлари, кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш, даъво аризаларини хўжалик судларида кўриб чиқиш тартиби ҳамда фермер хўжаликларининг гаров таъминотини шакллантириш мақсадида бўлғуси ҳосилни ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш каби ҳужжатлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар олиш мумкин.

Тақдимот маросимида Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ЕХҲнинг Тошкент маркази раҳбари М. Йенчага китобни нашр этишда кўрсатилган беғараз ёрдам учун миннатдорчилик билдирди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ОИЛАГА ҚАНЧА ЕР КЕРАК?

Олтиариқда бодринг гуллади

— Биз олтиариқликларни уйида ўтириб пул топади дейишади, — туманнинг Чинортаги маҳалласида яшовчи Абдуҳамид ака Турсунов гап бошлади. — Бу рост. Мана, менинг ўн уч сотих ерим бор. Ҳаммасига узум экканман. Мана, шу узум оиламни тебратишга бемалол етади. Нега энди, мен кўчага чиқишим керак экан? Узумга ўғит, турли дори-дармонлар керакми, эшигимдан чақириб келишади. Узум пишдими, бозорга боришим шарт эмас —харидорлар келиб, ўзлари узиб, яшикларга жойлаб, машинага юклашиб, пулни санаб бериб кетишади. Ана шу пайтда олтиариқликнинг чой ичишини кўрсангиз... Сўрига кўрпачаларни ёзиб, ёстиққа ёнбошлаганча бир ҳузур қилади, бир ҳузур қилади... Чарчоқлари чойдан чиқаётган буғдек осмонга кўтарилади. Аммо бунгача у бемалол чой ичолмайди.

Қаҳратон қиш заҳрини сочмоқда. Бу пайтда томоқдан чой ўтадими? Чилла суви бериш, ўғит солиш, совуқ урмаслиги учун яна бир бор узумларни кўздан кечириш керак.

Баҳорда чойи қуйилганча хонтахтада қолиб кетади: узумни тупроқ остидан чиқариш, валишга кўтариш, тараш, боғлаш, ортиқча калтакларини қирқиш лозим.

Ёзда чойини бир ҳўплайди, қолганини ичишга улгурмайди: ортиқча барглларини олиш, ўғит солиш, ширага қарши доридармон сепиш талаб этилади.

Кузда чойни обдон қайтаради. Аммо пиёлага қуйишга шошмайди: Кеча ёққан ёмғир пишган узумларга шира туширишi мумкин. Уни ювмаса керакли амалларни бажармаса, йил давомида қилган меҳнати зое кетади.

Узум узилгандан узум пишганча ўзидан ортмайди, олтиариқлик. Олтиариқликнинг бир оёғи ерда бўлса, иккинчиси нарвоннинг устида бўлади. Ана шунга чидаган одам сўрида ёнбошлаб маза қилиб чой ича олади. Олтиариқлик боласидан кўра узумини, бодрингини яхшироқ парвариш қилади, дегандай гаплар ҳам қилишади. Бундаям жон бор: даромад бўлса боласига бўлади-да.

— Бодринг экмайсизми?

— Олтиариқликларни билмас экансиз: ҳеч бири икки кеманинг бошини тутмайди. Бодринг экканлар, узум экмайди, узум экканлар бодринг. Биттаси бўлади-да. Опам бодринг эккан, олиб борайми?

Оддийгина ҳовлига кириб борамиз. Ўн икки-ўн уч ёшлардаги бола бизга пешвоз чиқди.

— Аҳмадали, онанг қани? — сўрайди Абдуҳамид ака.

Аҳмадали ҳовлига тикланган иссиқхонага ишора қилди:

— Бодрингнинг ичидалар.

Ичкарига суҳбатимиз эшитилди, шекилли, 40-45 ёшлардаги аёл иссиқхонадан чиқиб келди.

— Вой, келинглар, келинглар, — деди у хижолат бўлгандай лой қўлларини этагига артиб.— Айвонга чиқаверинглар, мен ҳозир.

— Опам дегандингиз, сиздан ёш кўринади-ю? — сўрадик Абдуҳамид акадан.

— Опам иш билан бўлиб қаришга ҳам вақт тополмайди, — ҳамроҳимиз кулди. — Эрта-ю кеч мана шу бодрингнинг ичида.

— Менинг иғвойимни қилишни бошладингми? — опа дастурхон кўтариб чиқиб келди.

— Сизни мақтаяпман, э!

— Нимамни мақтайсан, мени энди биров келин қилармиди.

Кулишдик.

— Бодринглар қалай, гуллаб қолдими? — сўради Абдуҳамид ака.

— Олди гуллади, — жавоб қилди опа қувониб. — Шунча меҳнат қилганингдан кейин гулламасинми. Кеч кузда турпни оламиз, ўрнига бодринг экиш ҳаракатига тушамиз. Чиринди билан гўнгни аралаштириб, унга керакли дори-дармонларни қўшиб, устини плёнка билан беркитиб жой тайёрлаймиз. Икки-уч йилдан буён мана бунақа, — опа токчадан стакандай келадиган қоғоз идишчани бизга кўрсатиб давом этди, — идишга уруғ қадаяпмиз. Энди уруғ униб чиққунча, хаёлимиз мана шу идишчада бўлади: ишқилиб нобоп уруғ экиб қўймадиммикан, унармикан? Нами камайиб ёки ортиб кетмадимикан? Ҳаво, иссиқлик етарлими? Уруғ тупроқни чангаллаганча бош кўтарганда бир севинамиз, бир севинамиз... Кўчат икки-уч қулоқ бўлгач, уни жўякларга ўтқазамиз. Энг масъулиятли давр бошланади: кўчат кўкарармикан? Плёнка остида ҳаво ҳарорати етарлими? Бирон касалликка чалинмадими? Ёмғир таъсир қилмадими? Шира тушмадими?.. Қиш бўйи қилинган меҳнат, хавотирсиз ўтмаган кунлар ўз самарасини беради: олтиариқликлар эрта баҳордан то кеч кузгача бозорларни ҳеч ерникига ўхшамаган бодринглари билан обод қилишади.

— Анвар Обиджон айтганидай, Олтиариқ Ўзбекистонга қарайди, узум-бодринг пишганда бутун Ўзбекистон Олтиариққа қарайди.

— Ўлманг. Бунга эришиш учун бутун оила бирор соат тиним билмайди, аммо меҳнатининг роҳатини ҳам кўради: тўйлар қилади, уйлар қуради, машиналар олади...

Бешариқда узум баҳорга етмади

— Келин бўлиб тушган йилим, — Иттифоқ маҳалласида истиқомат қилаётган Хадича опа Раҳмонова бироз кулимсираб эслай кетди, — атрофга қараб ҳайрон бўлиб қолдим: ҳовлининг асосий қисми яланг. Бир бурчакда осмонўпар валиш. Аммо унда беш-олти йилдан буён қиркилмаган узумлар пахмоқ сочдай бўлиб ётарди. Чорбоғда беш-олти туп мева, қолган жойга макажўхори экилган. Қўрада икки-учта қўй-қўзи, оғилда ориқ сигир-бузоқ...

— Узум экайлик, — дедим хўжайиним Қамбарали акага.

— Бизи Бешариқда узум бўлмайди, — дейишди.

— Меҳнат қилса тошда гул ундириш мумкин.

— Олтиариқ билан Бешариқ ораси 80 километр. Бу ерни Бешариқ — Бекобод шамолининг эшиги, деб қўйишибди.

— Ўша шамол Олтиариққа ҳам етиб боради.

Хуллас хўжайинимни кўндирдим. Қўшнилар кулишди, қайноғаларим кулишди. Фақат қайинотам, янги келиннинг эркалиги, деб ўйлашдими, "Майли, майли экинг, фақат сизларга янги жой олиб қўйганмиз, ўша ерга экинглар", дейишди. Олтиариқдан, отамларникидан узум калтаклари олиб келиб ҳовли атрофига экдик.

Сиз нима дейсиз?

— Келинингизни узумларга қўйган меҳрини кўриб, — Қамбарали ака мийиғида кулиб давом этди, — тўғриси, узумдан рашк қила бошладим. Ҳар новдасини силаб-сийпалашлари, кўчатларга, "Сувсаб, қоринларинг очқаб қолмадими?" деб уларнинг атрофида гирдикапалак бўлишлари ҳар қандай одамнинг ҳам қитиғига тегар экан. Бизам узум экардик. Чиройли валишларни ҳам бунёд этардик. Қирққан, хомток қилган бўлардик. Чириб, оқиб кетарди: бизда узум бўлмайди-да, деб ўзимизни юпатардик. Узумни йил — ўн икки ой парвариш қилиш кераклигини билмас эканмиз.

— Уч йил деганда узумлар ҳосилга кирди. Биздан кулган одамлар лабларини тишлаб қолишди: кўчат сўраб чиқишди. Ҳозир уларнинг уйлари ҳам узум билан қопланган. Айниқса, бу кишининг, — Хадича опа Қамбарали акага имлаб давом этди, — "Бўлар экан, Бешариқда ҳам узум бўларкан!" деб ҳовлини тўлдириб турган сап-сариқ узумларга қараб хурсанд бўлишларини кўрсангиз...

— Унинг даромадини айтинг, — деди Қамбарали ака. — Бир йиллигига уйларнинг чаласини битказиб олдик, иккинчи йили тўй қилдик. Кейинги йили эса, Узумжон акамлар машина олиб беришди...

— Қизиқиб, бутун чорбоққа, йўлакларга, йўл бўйларига ҳам узум экишга киришиб кетишди. Кўриб турибсиз, бугунги кунда ҳовлимиздан узум новдалари етиб бормаган бир қарич ерни тополмайсиз.

— Бир қарич ерда бир кило узум етиштириш мумкин, — Қамбарали ака ҳазиломуз кучайишди. — Бир кило узум бозорда ҳозир уч минг сўм. Нега энди ерни бекор қўйиш керак! Ўзи узумимиз баҳорга етмади: сотиб тугатиб бўлдик.

Оққўрғонда помидор тугади

— Анжирнинг бозори касод бўлди, — дейди Мансуржон Турсунов. — Аниқроғи, анжир юртимизни севиб қолди: ҳамма жойда анжир битадиган бўлди: ҳамқишлоқларим — оққўрғонликлар етарли даромад ололмай қолишди. Кўпчилик анжирзорини кўчириб ташлаб, картошка экишга ўтиб кетди. Мен, ўйлаб-ўйлаб, помидор экишга қарор қилдим. Машинамни сотиб, иссиқхона қурдим. 15 августда помидор кўчатлари экдик: бутун оилага иш топилди — иссиқда кўкартириш жуда машаққат экан. Куз келиб, Қўқон шамолидан помидорларни асраб қолиш, айниқса, жуда оғир бўлди. Ётоқхонамни иссиқхона ичига кўчирдим: кўчатларим билан ётиб, турдим. Ҳарқалай, қилган меҳнатимиз самарасини берди: бир ярим тоннага яқин ҳосил олдик. Янги йилга ўтказмасдан уларни 1000-1200 сўмдан сотиб бўлдик.

Январнинг ўрталарига келиб иккинчи ҳосил тараддудига тушдик. Ўзим, келинингиз, фарзандларимнинг кунлари иссиқхона ичида кечди. Одамлар помидор экишга киришган маҳалда иккинчи ҳосилни ҳам сотиб тамомладик. Қилинган сарф-харажатлар ўзини оқлади. Машина сотиб олдим, ўғлимнинг ўқиши учун шартнома пулларини тўлаб қутилдим...

Уч марта ҳосил ҳам олиш мумкин экан. Ерни аядим, уям тирик жон, дамини олсин, дедим.

Худога шукр, мана иккинчи йилда ўзимни тиклаб олдим. Тўй қилдим, ўғлимга ҳам машина олиб бердим.

Мардикорлик касб эмас

— Гапларинг одамни ўйлантириб қўйди, — деди дўстим Қосимжон Рўзиев. — Уларга ҳам ҳавасинг келади, ҳам ҳасадинг. Баҳор, ёз, кузда Бағдод қишлоқларида эркак топиш қийин — кўплари мардикорчиликка кетишади. Пулниям ёмон топишмайди. Лекин қўлдан берганга қуш тўймас, деганлардай бойиб, ҳеч бўлмаганда, ўзини тиклаб олган мардикорни кўрмадим.

Ўзимдан қиёс, эрта баҳорда қайдасан Тошкент деб жўнайман. Қўлимдан уйларни таъмирлаш, безаш келади. Ёмон топмайман. Аммо бу томондан пул келаверади, бу ёқдан кетаверади.

Бошқаларни қўяверасан энди: ҳаво совуғач ишларидан қайтиб келишади, қиш ичи уч ойга топганлари етмайди. Ишга борай деса, кунлар совуқ, биров бу пайтда қурилиш қилмайди. Бекорчилик билан кунни кеч қилишади. Камига чойхоналарда, тижорат дўконларида ўзларича "базм"лар қуришади. Ўйларидаги тўққиз ой ишлаб топган мол-қўйларини, олган буюмларини сотишади — бажорга етиб олишади, яна шаҳарларга отланишади. Яна меҳнат, яна иш...

Уларнинг мақтанишларини эшитиб, хафа бўлиб кетаман: "Мен терговчиникида ишладим. Э, сеники ҳеч бало эмас экан, биз прокурорникида саккиз хонали уй қурдик..." Уларнинг меҳнаткашлигига тараф йўқ: жонларини жабборга бериб ишлашади, ҳар қандай юмушни қотиришади. Аммо...

Ҳаммасининг ери бор, аммо маккажўхори, ё супурги жўхори экишади. Бировлар уйида қилган меҳнатларини ўз чорбоғларида қилишса, менимча, ўша пулни топишлари мумкин. Биздақа серҳосил ер ҳеч қаерда йўқ. "Бўлмайди", деган гапни ушлаб олганмиз. Олтиариқда бўлган узум, Бешариқда ҳам етарлича даромад бераяпти экан. Бизнинг Бағдод икки туманнинг ўртасида. Демак, бизда ҳам етарлича ҳосил етиштириш, даромад кўриш мумкин. Бизда помидор, бодринг, қовун, тарвуз, турли меваларнинг ҳаммаси ҳосил беради. Аммо меҳнатимизга яраша: даромад кўрмаймиз. Ўзи экишдаёқ даромадни ўйлаймай экамиз-да: бола-чақа ер. Бу билан ернинг умрини беҳуда ўтказаётганимиз ҳақида бош қотириб ҳам кўрмаймиз.

Демак, гапларингдан хулоса қилсақ, помидор, узум ёки карам — биттасини экиб, бутун куч-қувватимизни, меҳримизни шунга бағишласақ, бизам кўчага чиқмай даромад қилиқимиз мумкин эканда! Бу йил Тошкентга бормаганим бўлсин — чорбоғимга помидор экаман.

Хуллас калом...

Қамбарали ака, "Бўлмайди, ҳавомизга тўғри келмайди", деган гапларнинг ҳаммаси беҳуда экан. Меҳр билан парвариш қилинса, меҳнат қилишдан чарчамасак юртимизда бўлмайдиган, ҳавоси тўғри келмайдиган жойнинг ўзи йўқ экан», деди.

Мансуржон эса, «Мардикорлик — бир марталик, келажаги қоронғу иш. Одам доимий юмушнинг бошини тутиш керак. Имконият ҳаммада етарли — ҳар бир оила 10-16 сотихдан ерга эга. Шудай бўлгач, ҳаёт тарзимиз ҳақида бироз ўйлаб кўрсак, ҳар ишга масъулият билан ёндошсак — тез кунда доимий даромад манбаига эга бўламиз», деб таъкидлаб ўтди.

«Одам излаган нарсасини уйидан тополмаса кўчага чиқади, дейдилар. Изланган нарса кўпчиликнинг уйида турибди, бу — ер, бизга берилган улкан неъмат, даромад манбаи. Ундан унумли фойдаласак, кўчага чиқиб куч-қувватимизни беҳуда ишларга сарфлаб юрмаймиз», деб Абдуҳамид ака ўз фикрларини якунлади.

Асл деҳқонларнинг хулосаларига бир сўз қўшишдан ўзимизни тиямиз. Фақат...

Айтганларидай, Оллоҳ назар қилган жойда яшаймиз. Чўп суқсак, гиёҳ униб чиқади — олтинга бергисиз еримиз бор! Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейдилар. Серҳосил еримиздан унумли фойдаланиш учун имконият илдизларини эринмай, қунт билан қидириб кўрсак, у бизга омад ва фаровонлик эшикларини очиб бериши, шубҳасиз, эканлигини эслатиб ўтишни бурчимиз деб билдик.

Саид АНВАР.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

МАГАТЭнинг даъвати

Ядро ёнилғисини ишлаб чиқариш борасида турли зиддиятлар юзага келаётган айни кунларда халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) томонидан жаҳон миқёсидаги ҳисобот эълон қилинди.

Ҳисоботда айтилишича, ядро ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш айрим давлатлар томонидан эмас, балки ядро халқаро ташкилотлари томонидан амалга оширилиши керак.

«Фақат шу қоидага амал қилингандагина атом хавфсизлиги ва ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома бажарилади», — деди МАГАТЭ директори Бруно Пеллау журналистларга берган интервьюсида.

Унинг фикрича, халқаро ташкилотлар ядро ёқилғисини тўғри тақсимлаб, ундан фақатгина тинчлик мақсадида фойдаланадиган давлатларга рухсат бериши, шартномани бузувчиларни эса жазолаши мумкин.

Ҳисобот МАГАТЭ томонидан Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳида Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг бажарилишига бағишланган халқаро анжуман олдидан тайёрланган.

Ҳисоботдаги маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда атом қуролини бир неча ой ичида ярата оладиган 40 дан ортиқ давлат мавжуд.

МАГАТЭнинг 103 саҳифадан иборат ушбу ҳисоботида ядро технологияларини экспорт қилувчилар устидан назоратни кучайтириш юзасидан ҳам талаблар қўйилган. Пеллау сўзларига кўра, бу иш билан трансмиллий корпорациялар ҳам шуғулланиши мумкин.

Шуҳрат ҚОБИЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Яна бир рекорд

Америкалик миллионер учувчи Стив Фоссет ўз самолётида бутун Ер сайёрасини тўхтамасдан айланиб чиқди. Стив махсус ишлаб чиқарилган GlobalFlyer самолётида 37 минг километр масофани 67 соат давомида босиб ўтди. У бу вақт давомида бирор марта ҳам ерга қўнмади, ҳатто, самолётга ёнилғи ҳам қуйилмади.

Энди унинг номи «Гиннеснинг рекордлар» китобига киритилади.

Россия ҳам маъқуллямоқда

Россия Сурия ўз ҳарбийларини Ливандан олиб чиқиб кетилишини қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров «Би-Би-Си»га берган интервьюсида маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, суриялик ҳарбийларнинг мамлакатни тарк этиши Ливандаги барқарор вазиятга салбий таъсир қилмайди.

Вазир БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу масала юзасидан резолюция қабул қилганини ва халқаро ҳамжамият талаби сўзсиз бажарилиши лозимлигини таъкидлади.

Референдум ўтказиладими?

Исроилдаги «Ликуд» партияси марказий қўмитаси Ариэль Шарон режасини овозга қўйди. Улар Ғазо секторидан аҳоли пунктларини олиб чиқиб кетиш дастури юзасидан мамлакатда умумхалқ референдумини ўтказиш таклифини кўпчилик овоз билан маъқуллади. Бироқ, референдум ўтказилиши парламент томонидан ҳам тасдиқланиши лозим.

Нефть баҳоси ошади

ОПЕК таҳлилларига қараганда, икки йилдан сўнг бир баррел нефть нархи 80 долларга кўтарилади. Бу ҳақда ташкилот бош котиби Аднан Шихаб Элдин маълум қилди. Унинг айтишича, нефтга бўлган талабнинг йилдан-йилга ошиб бориши «қора олтин» баҳосининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Терроризмга алоқадор

Буюк Британияда уч нафар шахс — икки эркак ва бир аёл қўлга олинди. Улар терроризмга алоқадорликда гумон қилинмоқда. Ҳозирча уларга нисбатан қўйилаётган айблов эълон қилинганича йўқ. Икки ҳафта мобайнида бу уч нафар шахсга нисбатан расмий айблов эълон қилинмаса, улар мамлакат қонунларига биноан озодликка чиқарилади.

Ҳарбий харажатлар кўпаяди

Хитой жорий йилда умумий давлат бюджетининг 12,6 фоизи (29,9 миллиард доллар)ни ҳарбий ишлаб чиқариш мажмуасини ривожлантиришга сарфламоқчи. Бу ҳақда Хитой Миллий халқ конгресси(парламенти) матбуот котиби маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, давлат бюджети лойиҳаси бугун очиладиган парламент сессиясида депутатлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Хитой охирги 15 йил мобайнида куролли кучларни модернизация қилиш учун сарфланаётган маблағ ҳажмини мунтазам равишда кўпайтириб бормоқда.

Фан-техника хабарлари

32 минг йил музда сақланган

Америкалик олимлар Аляскада ҳозиргача маълум бўлмаган бактерия турини аниқлашди. Маълум бўлишича, мазкур бактерия 32 минг йил музда сақланган. Муз эриганидан кейин, у яна тирилган экан.

Тадқиқот муаллифи, Жорж Маршалл номидаги фазога учиш маркази (Алабама штати) ходими Ричард Гувернинг айтишича, ушбу янгилиқ космик изланишлар учун катта аҳамиятга эга. У ўта ноқулай шароитларда ҳам ҳаёт сақланиб қолиши мумкинлигини кўрсатади. Тадқиқот натижасига кўра, олим яқинда Марсда аниқланган муз денгизи ёки Юпитернинг табиий йўлдошларидан бирида топилган муз қобиқларида ҳаёт бўлиши мумкин деган тахминни асослашга омил бўлади. Бундан ташқари, мазкур тадқиқот натижаси тиббиёт соҳасида ҳам аҳамиятлидир.

Инқилобий ихтиро

Япониялик олим Казуе Ямагаши шахсий гигиена соҳасида шов-шувли ихтиро қилди. У яратган янги тиш пастаси тез орада стоматологларнинг «қўрқинчли» ускуналарини унутиш имконини беради, деб ёзади The Daily Telegraph газетаси.

Шунингдек, мазкур паста ёрдамида, тиш милкини тиклаш ва ундаги ёриқ ҳамда дарз кетган жойларини даволаш мумкин бўлади.

Маълумки, бугунги кунда тишдаги ёриқларни даволашда шифокор ундаги шикастланган жойини тешиб, пломба қўяди. Бу эса соғлом тишнинг бир қисмига ҳам зарар етказади. Яна бемор бу пайтда ўзини жуда ноқулай сезади. Ямагаши яратган паста эса ушбу муаммони муваффақиятли даволашда асқотади. Унинг таркиби тиш эмаликидек. Шунинг учун унинг тешилган ёки ёрилган жойларига тегизилса, кифоя.

Кунчиқар мамлакат стоматологлари ушбу восита бўйича ўтказган тажриба-тестлари, «сеҳрли паста» ёрдамида даволанган тишлар соғломларидан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Яна ушбу паста турли хил бактерияларга қарши курашда ҳам қўл келади.

С. ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. **Жиззах туманидаги болалар спорт мажмуаси қурилиши тип-V (калити билан).**
2. **Ғаллаорол туманидаги лой билан даволаш сиҳатгоҳини қариялар ва ногиронлар профилакторийси учун қайта таъмирлаш (калити билан).**

Буюртмачи — Жиззах вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати ижжиринг компанияси.
Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй, тел.: 222-30-11, 222-61-59.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Барча таклиф этиладиган маҳсулотлар сертификатланган (лицензияланган) бўлиши шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

2005 йил 6 апрель соат 11.00 да Амир Темур кўчаси, 60-уй,

"ЮЛДУЗ" ОАЖ

биносида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *"Юлдуз" ОАЖда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва молиявий аҳволни яхшилаш учун чет эл инвесторини жалб этиш тўғрисида.*

Мажлисда 2005 йил 6 март ҳолатига акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар иштирок этади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2005 йил 5 апрелда соат 10.00дан бошланади.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат килиш мумкин: Тошкент ш., Амир Темур к., 60-уй. Тел: 135-00-15, 135-86-51.

Қузатув кенгаши

АТ «Пахта Банк» Тошкент шаҳар, Чилонзор филиалининг № 2 рақамли тўртбурчакли штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Таълим ва тараққиёт

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳаётда бемалол ўз ўрнини топиб кета оладиган, замонавий касб-ҳунарли, билимли ва малакали кадрларни тарбиялаб етиштиришда самарали бир таълим босқичи эканлигини йил сайин аниқ намоён этмоқда. Бунга Хоразм вилоятидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг фаолияти ҳам яққол далил бўла олади.

ҲУНАРЛИ КАМ БЎЛМАЙДИ

Халқимизда «Ҳунарли кам бўлмайди» деган нақл бор. Бу жуда чуқур ҳаётий ҳикматли ибора. Оддий бир вазиятни кўз олдингизга келтиринг: қишлоқ шароитида яшайсиз, тобингиз қочиб қолди. Сизга муолажа зудлик билан зарур. Туман шифохонаси ва поликлиникаси эса узоқда. Аммо шундоқ кўшни ҳовлида тиббий ҳамшира яшайди. Болаларингиз дарҳол уни чақириб чиқишади. Тиббий ҳамшира иссиғингизни, қон босимингизни ўлчайди. Сизга дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатади. Масалан, укол қилади, керакли дориларни ичиради... Кўп ўтмай, сиз ўзингизни яхши сеза бошлайсиз. Борди-ю, бундай тиббий ҳамшира сизга кўшни бўлиб яшамаса, ёки умуман, қишлоғингизда бўлмаса, аҳволингиз нима кечарди?

Бу оддий мисол касб-ҳунарнинг кундалик ҳаёт учун ниҳоятда зарурлигини, бизнингча, етарли исботлайди. Бундан ташқари, сизу бизга сартарош, электр монтёр, автомашина, радио, телевизор созловчи усталар, қурувчи, тикувчи, ҳайдовчи ва ҳоказо бошқа хил мутахассислар керак. Керак бўлганда қандай? Худди шундай зарурият республикамизда, жумладан, Хоразм вилоятида ҳам ўрта махсус касб-ҳунар таълимини тобора ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 2 та академик лицей ва 59 та касб-ҳунар коллежи эшиклари ёшларга очиқ. Бу янги таълим даргоҳларида 44 минг нафар ўқувчи 92 хил касб-ҳунар турлари бўйича таълим-тарбия кўрмоқда. Шуни айтиш керакки, бу касб-ҳунар турлари таълимининг барчаси Хоразм вилояти шароитидан келиб чиқиб аниқланган. Яъни Хоразм вилоятидаги коллежларнинг битирувчилари ҳеч қачон ишсиз қолишмайди. Касби, ҳунари, салоҳияти эл-юрт корига жуда-жуда зарур.

Яқин 4-5 йил аввал воҳадаги ёшлар мактабни тамомлагач, албатта, шаҳарларда ўқишга интилишарди. Бугунги кунга келиб улар воҳанинг ўзидаги касб-ҳунар коллежларига кўпроқ интилишмоқда. Нега? Чунки, қаерда ва қандай ўқув юртида ўқима, одамларга керакли, зарур касб-ҳунарларни эгалласанг, аросатда қолмаслигинг мумкин. Бу ҳақиқат ёшларга тобора равшан бўлиб боряпти. Бунинг устига, узоқ шаҳарларда ўқиш учун ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида анча-мунча пул талаб қилинади. Бундай молиявий шароит бировда бор, бировда йўқ. Вазият талабидан келиб чиқиб, отаоналар ҳам, болалар ҳам ўз уйларига яқин, қўл узатса етадиган бир масофада жойлашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тобора кучли эътибор қарата бошладилар. Йилдан-йилга вилоятда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқишга талабгорлар сони кўпаймоқда. Пировардида, шундай талаблар асосида, воҳада ҳар йили бир қатор янги касб-ҳунар коллежлари дунёга келмоқда.

Бунинг устига, мазкур янги таълим муассасаларининг моддий-техник асосини энг замонавий талабларга кўра такомиллаштириш чора-тадбирлари мунтазам кўриб борилмоқда. Бу йўналишда Хоразм вилоятида Германия, Польша, Япония, Жанубий Корея каби хорижий давлатларнинг тегишли халқаро ҳомийлик жамғармалари ёрдамида Осиё Тараққиёт банки каби айрим банкларнинг кредитларидан самарали фойдаланилмоқда. Бугун ҳар бир коллежда энг сўнгги моделдаги компьютерлар, лингафонлар, ўқув-лаборатория ускуналари ва бошқа жиҳозларни учратишингиз мумкин.

Маълумки, ўқув-тарбия ишида ўқитувчилар ва мураббийларнинг ўрни ва хизмати катта. Айниқса, улар юқори замонавий маданиятли, билимли ва малакали ўқитувчилар ва мураббийлар бўлса. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқитувчи ва мутахассис-педагогларнинг ана шундай савияга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида 2700 нафарга яқин умумтаълим фанлари ва касб-ҳунар йўналишлари ва ихтисосликлар бўйича педагоглар меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида 22 нафар фан доктори, 68 нафар фан номзоди бор. Соҳадаги ўқитувчилардан 22 нафари турли хорижий давлатларда малака ошириб келдилар. Республикамиздаги малака ошириш марказларида 500 нафардан ортиқ педагоглар қайта тарбиялаш курсларида бўлдилар. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог бўлиб ишлашни хоҳлаганлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Шу боисдан, улар энг юқори танлов талаблари асосида саралаб, ишга қабул қилинаётирлар.

Касб-ҳунар таълими муассасаларида касбий-амалий тарбия тобора кенг йўлга қўйилаётгани эътиборга лойиқ. Масалан, вилоятдаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг экин ер майдонлари бугунги кунда 222 гектарга етди. Ўқувчилар бу ерларда меҳнат қилиб, маҳсулот етиштириб, жумладан, фақат ўтган 2004 йилнинг ўзида 15,3 миллион сўмлик соф фойда олдилар. Шунингдек, коллеж ўқувчилари томонидан аҳолига 3,7 миллион сўм миқдорида пуллик хизматлар кўрсатилди. Бу даромадлар коллежларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларини ривожлантиришга улуш бўлиб қўшилди.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўқув муассасалари ҳавас қилса арзийдиган муҳташам спорт залларига, махсус машғулот стадионларга эга. Уларда спорт турлари бўйича дарс берувчи олий малакали ўқитувчилар кўпаймоқда. Спортга эътибор қувонарли натижалар бермоқда. Масалан, тизим ўқувчиларидан Жавлон Жумабоев ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчи ёшларнинг республика чемпионатида бронза медалини қўлга киритди. Урганч иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Нодира Алибекова ўқувчи ёшларнинг Осиё мусобақалари совриндори бўлди. 2004 йилда тизимдаги ўқувчи ўсмирлардан ўнга яқини Тошкент шаҳрида спортнинг самбо кураши тури бўйича жаҳон биринчилигида қатнашиш учун танлаб олинди.

Албатта, вилоятда ҳамма ишлар жойида дейилса, адолатдан бўлмайди. Муаммолар ҳам бор. Масалан, битирувчиларни иш билан таъминлашнинг янги чора-тадбирларини излаш шундай вазифалардан биридир. Педагоглар ва муҳандис муаллимлар орасида чет эл сармоялари ҳисобидан келтирилган техник ўқув-лаборатория ускуналарида ишлаш малакасининг етишмаслиги ҳоллари учрайди. Шунингдек, таълимда илғор усуллар ва янги педагогик технологияларни янада кенгроқ қўлланиш устида ўйлаб кўрилиши лозим. Бундай масалаларни ҳал этиш тизимда таълим сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиздир. Булардан қатъи назар, вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари болаларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун бор куч-ғайратларини сафарбар этиб, меҳнат қилмоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Бировнинг моли...

Нурота туманидаги қишлоқларда моллар, асосан, яйдоқ юради. Яқинда Хуршид Каримовнинг яйловдаги икки бош қорамоли йўқолди. У дала-даштни қидирди, одамлардан сўраб-суриштирди, аммо дараги чиқмади. Бу орада унинг ички ишлар бўлимига хабар қилгани айни муддао бўлди. Маълум бўлишича, молларни шу туманда яшовчи Баҳром исмли шахс ҳайдаб кетган экан. Энди у бировнинг молига «кўз олайтиргани» учун жазоланади.

Саёқ юрган, таёқ ейди

Халқимизнинг бу мақолини ангренлик Абдулла, Бобур ва Олмалиқ шаҳрилик Фаррухлар эшитмаган кўринади. Йўқса, улар қинғирлик йўлини танлашмасди. Учовлон енгил пул топишни ният қилди. Ангрен шаҳрининг 46-даҳасида яшовчи Азиз Қодировнинг уйига бемаҳалда келди. Хонадон соҳиби тунги «меҳмонларни» киргизмасликка тиришди, аммо қурби етмади. Уч жўра «полвон» экан, куч бермади. Улар уйдан 43 минг 200 сўмлик буюмларни дўқпўписа билан олиб чиқиб кетишди. А. Қодиров шу заҳоти бу ҳақда шаҳар ички ишлар бўлимига хабар берди. Милиция ходимларининг олиб борган тезкор тадбири натижасида босқинчилар топилди. Энди «полвонлар» саёқ юрганлари учун «таёқ» ейдиган бўлишди.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 1-даҳасида яшовчи Евгений ёшлигидан ичкиликка ружу қўйди. Яқинда у ширакайф бўлишига қарамай, Спутник-2 даҳасида яшовчи киракаш Тимурга «Мени бозоргача элтиб қўйинг», деб унинг «Жигули»сига ўтирди. Йўлда кетаётганда эса Евгенийнинг нияти бузилди. Ёнидан пичоқ чиқариб, ҳайдовчига ўқталди. Қароқчи-йўлловчининг бу хатти-ҳаракати Тимурни шошириб қўйди...

Жабрдийда воқеа ҳақида яқин ўртадаги милиция таянч пунктига хабар берди. «Ҳайдовчи мени танимаса, қандай топсин», дея Евгений бир-икки кун ўзича хурсанд бўлиб юрди. Лекин ички ишлар ходимлари уйига келиб, унга ҳайдовчини рўбарў қилганда чучварани хом санаганлигини пайқади. Машинадан олиб қочган автомагнитола ва автомашина ҳужжатини эгасига қайтарди. Энди у қилмиши учун қонун олдида жавоб беради.

Саҳна асарлари танлови

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида Тошкент вилояти ҳаваскорлик театри жамоаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги шаҳар, туман маданият уйлари қошида фаолият кўрсатаётган ҳаваскорлик театри жамоалари иштирок этишди.

Танловда Зангиота тумани маданият уйи қошидаги "Шоввозлар" театр жамоаси ўзининг "Қора ниятлар маликаси" деб номланган саҳна кўриниши билан биринчи ўринни эгаллади ва кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

"Алта ЛТД" ҚК банкрот деб эълон қилинганлиги муносабати билан унга нисбатан талаблари бўлган "Алта ЛТД" ҚК кредиторларининг умумий йиғилиши 2005 йил 11 мартда соат 10.00 да Ўзмиллийбанк бош офиси биносида (Амир Темур кўчаси, 101-уй) ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Барча масалалар юзасидан Ўзмиллийбанк кичик бизнес бош бошқармасига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиниши мумкин: 135-38-52, 135-17-02, 137-59-15.
Мулоқот қилувчи шахс: Вахт Нелли
NVaht@central.nbu.com

(Газетанинг навбатдаги сони 6 март, якшанба куни чиқади).

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

«ГАЗ-31105»

«ВАЗ-2106»

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.
Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ИЖ-2717»,

«ГАЗЕЛЬ»

Katris КОРХОНАСИ

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси жамоаси Шаҳрисабз консерва заводи раҳбари **Неъмат Файзуллаевич ИСМОИЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими З. Ё. Тўрақуловга ва оила аъзоларига отаси, академик **Ёлқин ТЎРАҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети жамоаси университетнинг собиқ ректори, академик **Ёлқин Холматович ТЎРАҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати Санъат тарихи ва назарияси кафедраси мудири, санъатшунослик доктори, профессор **Абдуманнон Файзуллаевич НАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — С. Муқимов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.20 12345